



## **ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА МАРКЕТИНГ ҲАВЛИГИНИ ОШИРИШ**

**О.Хайтов**

СамДУ Каттақўрғон филиали  
рақамли технологиялар ва бухгалтерия ҳисоби  
кафедраси ассистенти,

**Д.Исматуллаев**

СамДУ Каттақўрғон филиали  
бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши  
бх-21-10 гуруҳ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10102523>

**Аннотация.** Ушбу мақолада туризм соҳасини жадаллаштиришда маркетинг фаолиятини кенгайтириш, маркетинг ҳаवлигини янада жадаллаштириш масалалари келтирилган. Туризмда маркетинг ҳавлигини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** туризм соҳаси, маркетинг, маркетинг ҳавлиги, инновация, ташаббускорлик.

Мамлакатимзда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, уларни амалга ошириш миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашуви, бозорни ўрганишнинг инновацион метод ва механизмларини барқарор ривожланишнинг ўзига хос моделлари бўлишини талаб этади. Шунинг учун иқтисодиётнинг ўзгариб боришини бошқариш учун зарур тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтисодий тараққиёт омили бўлган тармоқ ва соҳаларда бошқариш функция ва вазифаларини макро ва микро даражада трансформациялашувини таъминлаш керак.

В. Ростой иқтисодий ўсиш омилларини таърифлар экан, ишлаб чиқариш инфратузилмасига “муайян иқтисодий муҳит доирасида иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштирувчи негиз, асос” сифатида қараган, асосий эътиборни кишиларнинг инновацияга, истеъмолга ва фаолиятни мукамаллаштиришга мойиллигига қаратган<sup>1</sup>. Бизнинг фикримизча, бу кўпроқ туризм соҳаси корхоналарига кўпроқ тааллуқли, чунки улар мижозлар талабини имкон қадар юқори қондирилишига эришиши корхона даромадининг ўсишига олиб келади.

<sup>1</sup> Шадманов Ш. Ш. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва унинг инфратузилмасини мутаносиб ривожлантириш чоралари// ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ. 2014, 1. 33-39



К.Гронроснинг фикрича “янги мижозни жалб этиш эскисини жалб этишдан 6 марта қимматга тушади, агар мижоз кўрсатилган хизматдан қониқмасдан кетса уни жалб этиш 25 марта қимматга тушади.”<sup>2</sup> Туристтик корхоналар мувоффақияти ташқи муҳитга мослашиб кетиши билан боғлиқ. Ташқи муҳит омилларига тез мослашиб кетиш учун туристик корхоналар стратегик фикрловчи ва тадбиркорликка хос хусусиятларни касб этувчи корхоналар сифатида майдонга чиқиши керак. Стратегик инновацион режалаштириш тадбиркордан муҳитнинг барча сегментларини баҳолашни талаб этади. Туристтик хизматлар бозорида тадбиркорлик фаоллигини ошириш инновация билан боғлиқ.

И.Шумпетер инновация ва тадбиркорлик фаолиятининг бир бири билан узвий боғлиқлигини таъкидлаб, “тадбиркор-ўзгаришлар ташаббускори ҳисобланади ва янги имкониятлар ярата олади” деган фикрни илгари суради<sup>3</sup>. Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг замонавий концепцияси тармоқни ривожлантиришнинг стратегик мақсадга эришиш йўллари билан ажралиб туради. Бозор муносабатларининг ривожланиши бир томондан хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан уларнинг фаолиятига маъмурий босимнинг сусайишига олиб келади<sup>4</sup>. Шу сабабли туризм соҳаси қорхоналарини барча функционал тузилмавий элементлари билан биргаликда ислоҳ қилиш зарур бўлади. Туристтик корхоналар бугунги кунда хизматлар бозорида инновациялар киритиш орқали тўлиқ истеъмолни қондиришга йўналтирилган тадбиркорлик услубига эга бўлиш керак.

Замонавий иқтисодиёт туристик корхоналарнинг хўжалик фаолиятини сезиларли даражада мураккаблаштирди. Хизматлар бозорида мавжуд назария ва амалиётни чуқурлаштиришни талаб этувчи янгидан янги қонуниятлар вужудга келди. Чунки туристик корхоналар хизматлар бозорида тадбиркорлик ташаббусисиз иқтисодий ривожланишга эришиши мушкул вазифадир.

Корхоналар кучли рақобат кураши, давлатнинг маъмурий босими мавжуд бўлган хизматлар бозорига мустақил, янгиликларни тез ўзлаштиришга қодир, бозор конъюнктурасига мос ҳолда хўжалик фаолиятини мустақил танлаган тадбиркор сифатида кириб келади. Шу

<sup>2</sup> К.М. Ibodov. Turizmда marketing. – O'quv qo'llanma. Toshkent:, - Fan va texnologiyalar, 2019 yil.- 258 bet. 41-b

<sup>3</sup> К.М. Ibodov. Marketing. – Darslik. Toshkent:, - Fan va texnologiyalar, 2019 yil.- 256 bet. 156-b

<sup>4</sup> Колесов Евгений Юрьевич , Халтаева Светлана Романовна Формирование инфраструктуры стратегического развития региона// Региональная экономика и управление: электронный научный журнал. ISSN 1999-2645. — №1 (49). Номер статьи: 4938. Дата публикации: 15.03.2017. Режим доступа: <https://eeregion.ru/article/4938/>



сабабли тадбиркорлик фаоллигини жадаллаштириш муаммоларига эътибор қаратган кўпгина тадқиқотчилар, иқтисодчи олимлар асосий эътиборни фаолиятнинг якуний натижаси бўлган даромад олишга қаратишади. Бу концепцияни рад этмаган холда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг якуний мақсади мижозлар эҳтиёжини максимал қондиришга қаратилмоғи керак.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ЯИМ хизматлар улушининг ўсиб бориши яққол кўзатилмоқда. Статистик маълумотларга кўра мамлакатимизда 2021 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийиб 20,0фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2020 йилдаги 36,2 фоиздан 39,0 фоизга ўсди, шундан 1.83% туристик хизматлар ташкил этади<sup>5</sup>. Бугунги кунда мамлакатимизда 400 дан ортиқ мехмонхоналар, 900 дан ортиқ туристик фирма ва компаниялар мавжуд. Туристлик хизматлар улуши ўтган йилга нисбатан 16% га ўсди<sup>6</sup>. Бу нафақат мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар натижаси, балки мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигининг ошиши билан ҳам боғлиқдир. Туризм соҳасида исталган хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркор сифатида олиб қарамайлик тадбиркорлик фаоллигининг механизмларидан қатъий назар уларни икки замонавий моделига ажратишимиз мумкин: давлат корпоратив модели ва хусусий тадбиркорлик модели. Ушбу моделлар мамлакатимиз мехмонхона хўжалигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш орқали ташкил этилган йирик устав капиталига эга корхоналар ва кичик тадбиркорлик корхоналаридан иборат.

Туристлик корхоналарнинг тузилишига эътибор берадиган бўлсак уларнинг асосий қисмини туроператорлар ва турагентлар, шунингдек, мехмонхона хўжалиги корхоналари (мехмонхоналар, мотеллар, кемпинг ва бошқалар.)дан иборат бўлиб жаҳоннинг туризм тараққий этган мамлакатларидан фарқ қилади. Кўпчилик мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектлар асосан ходимларнинг ўртача сони билан фарқланади. Айрим давлатларда қўшимча мезонлар ҳам киритилган: сотув хажми ва активлар суммаси (Корея), энергетика ресурсларини сарфлаш даражасига кўра (Хиндистон), иқтисодиёт тармоғидаги ходимлар сонининг чегаравий сони (Япония ва Россия). Кўпчилик холларда ходимлар сони унинг параметрлари турлича бўлсада, тармоқни фарқлаш

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

<sup>6</sup> [http://ria.ru/tourism\\_news/20140128/991716290.html](http://ria.ru/tourism_news/20140128/991716290.html)



хусусиятига эга бўлмайди. Мисол учун АҚШда 500 кишигача корхоналар кичик, Италияда 100 кишигача, Шарқий Европа давлатларида 30-50 киши. Европа Иттифоқи(ЕИ)да аъзо давлатлар кўрсаткичлари умумлаштирилган холда кичик корхоналар 10-99 киши, йирик корхоналар 500 дан ортиқ, микрофирмалар 1-9 кишидан иборат. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши бўлган субъектлар кичик тадбиркорлик субъектларига киритилади<sup>7</sup>. Европа Иттифоқининг кўпгина давлатларида мехмонхона хўжалиги инфратузилмаси корхоналарининг 75-85% и кичик корхоналар жумласига киритилади. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг кучайиши мамлакатимизда ҳам туристик хизмат кўрстаувчи ва мехмонхона хўжалиги инфратузилмаси корхоналарини кичик корхона тоифасига киритилишини тақозо этади. Бу ўз навбатида туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини ривожлантиришга, туристик хизматлар бозорида иштирокчилар сонининг кўпайишига ва рақобат муҳитини ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратиб беради.

Бугунги кунда инновация тушунчаси иқтисодий адабиётгарда асосан том маънода янги технологияларни қўллаш ва янги маҳсулотлар яратиш билан боғлашади. Шунингдек инновация янги ташкилий тузилмаларни шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш, замонавий маркетинг ёндашувларини киритишни ҳам ўз ичига олади. Туризм соҳасида инновацияларни олиб қарайдиган бўлсак, бу тушунчани янада кенгроқ ёритиш зарур. Туризм соҳасида инновациялар биринчи навбатда туристик тизимнинг асосий элементлари ўртасидаги алоқалар (транспорт ва алоқа, мехмонхона хўжалиги, овқатланиш, хордиқ чиқариш ва бошқалар)да ўз аксини топмоғи соҳада ташкилий техник ўзгаришларга олиб келиши, янги техника ва технологияни жорий этишни таъминлаши керак.

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти инновация сифатида асосий эътиборни тадбиркорлик даромадининг ахамиятини оширишга, ички имкониятлардан фойдаланишни янада такомиллаштиришни, ташаббускорлик билан ўзининг янги ички имкониятларини очишга имкон яратади<sup>8</sup>. Шу сабабли туризмда

<sup>7</sup> “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 5-модда, 2012 йил 29 феврал.

<sup>8</sup> Рогатин В.П. Деятельностный подход к проблеме контекстного управления // Московский психологический журнал. 2007. № 9. Режим доступа: <http://magazine.mospsy.ru/nomer9/s17.shtml> (свободный)



тадбиркорлик фаоллигини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш ҳамда бу борада қуйидагиларни амалга оширишга имкон яратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини давлат томонидан қўллаб –қувватлашни янада кенгайтириш;
- туризм соҳаси тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш инфратузилмасини такомиллаштириш;
- туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида уларга жихозлар хариди ва бинолар қурилишида имтиёзлар яратиш;
- туризм соҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган корхоналарнинг қурилиш, реконструкция ва янги технологиялар хариди учун турли солиқ имтиёзларини жорий этиш;
- қишлоқ туризми, экологик туризм, тиббий-рекреацион, спорт-соғломлаштириш ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ жойларда туристик маршрутларни ишлаб чиқиш;
- туристларга сервис хизмати кўрсатувчи йўл инфратузилмаларини барпо этиш;
- экологик ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда туристик лагерлар ва коттежлар барпо этиш.

#### **Адабиётлар:**

1. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 5-модда, 2012 йил 29 феврал.
2. К.М. Ibodov. Marketing. – Darslik. Toshkent:, - Fan va texnologiyalar, 2019 yil.- 256 bet. 156-b
3. К.М. Ibodov. Turizmدا marketing. – O’quv qo’llanma. Toshkent:, - Fan va texnologiyalar, 2019 yil.- 258 bet. 41-b
4. Колесов Евгений Юрьевич , Халтаева Светлана Романовна Формирование инфраструктуры стратегического развития региона// Региональная экономика и управление: электронный научный журнал. ISSN 1999-2645. — №1 (49).
5. Рогатин В.П. Деятельностный подход к проблеме контекстного управления // Московский психологический журнал. 2007. № 9. Режим доступа: <http://magazine.mospsy.ru/nomer9/s17.shtml> (свободный)
6. Шадманов Ш. Ш. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва унинг инфратузилмасини мутаносиб ривожлантириш чоралари// Иқтисод ва молия 2014, 1. 33-39.



7. Ergashevich, M. J. (2021, August). Current Issues of Improving Financial Management Methods in Small Businesses (Case-Study of Samarkand Region). In "ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 11-15).
8. Ergashevich, M. J. (2022). INCREASING BUSINESS ACTIVITY IN THE SPHERE OF TOURISM SERVICES. *World Economics and Finance Bulletin*, 7, 104-106.
9. Ergashevich, Makhmudov J., and Kubaev O. Utkirovich. "The Main Directions for the Development of Household Services of Rural Areas." *International Journal on Integrated Education*, vol. 5, no. 2, 2022, pp. 223-225.
10. Ergashevich, Makhmudov J., and Kubaev O. Utkirovich. "The Main Directions for the Development of Household Services of Rural Areas." *International Journal on Integrated Education*, vol. 5, no. 2, 2022, pp. 223-225.  
[http://ria.ru/tourism\\_news/20140128/991716290.html](http://ria.ru/tourism_news/20140128/991716290.html)

